

МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРИКНИ ТАЪМИНЛАШДА БЮДЖЕТ ҚОИДАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БҮЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ЖОРӢ ҶИҲАДИИЛЛАРИ

Шералиев Жавохирбек Жаҳонгир ўғли
Тошкент халқаро молиявий бошқарув ва
технологияларуниверситети
ORCID: 0009-0002-8328-3167
arvi19920804@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда бюджет қоидаларидан фойдаланиши бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси ва уни Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиқ этиши имкониятлари ўрганилган. Шунингдек, мақолада дунё мамлакатлари бўйича фискал қоидаларнинг умумий хусусиятига ҳамда белгиланиш миқёсига қўра турлари бўйича динамик таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: Макроиқтисодий барқарорлик, фискал қоидалар, миллий даражадаги фискал қоидалар, миллатлараро фискал қоидалар, қочиш қоидалари, қарз қоидалари, харажат қоидалари, даромад қоидалари, бюджет баланси қоидалари.

ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В ИСПОЛЬЗОВАНИИ БЮДЖЕТНЫХ ПРАВИЛ ДЛЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ И ВОЗМОЖНОСТИ ЕГО ВНЕДРЕНИЯ В ЭКОНОМИКУ УЗБЕКИСТАНА

Шералиев Жавохирбек Жаҳонгир углы
Ташкентский международный университет
финансового менеджмента и технологий

Аннотация. В данной статье изучен опыт зарубежных стран по использованию бюджетных правил в обеспечении макроэкономической стабильности и возможности его внедрения в экономику Узбекистана. В статье также представлен динамический анализ фискальных правил по странам мира с разбивкой по типам в соответствии с общим характером и масштабом назначения.

Ключевые слова: макроэкономическая стабильность, бюджетные правила, национальные бюджетные правила, транснациональные бюджетные правила, правила уклонения от уплаты налогов, правила долга, правила расходов, правила доходов, правила бюджетного баланса.

EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN THE USE OF FISCAL RULES IN ENSURING MACROECONOMIC STABILITY AND THE POSSIBILITIES OF ITS INTRODUCTION IN THE ECONOMY OF UZBEKISTAN

*Sheraliyev Javokhirbek Jakhongir ugli
Tashkent International University of Financial Management and Technologies*

Annotation. In this article, the experience of foreign countries on the use of budget rules in ensuring macroeconomic stability and the possibilities of its implementation in the economy of Uzbekistan are studied. The article also presents a dynamic analysis of the fiscal rules by country of the world by type according to the general nature and the scale of the designation.

Key words: Macroeconomic stability, fiscal rules, national fiscal rules, transnational fiscal rules, escape clauses, debt rules, expenditure rules, revenue rules, budget balance rules.

Кириш.

Ҳозирги кунда бюджет қоидаларини жорий этиш ва унинг амалиётини таъминлашда ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўплаб ривожланаётган мамлакатлар учун асосий манба бўлиб хизмат қиласи. Айнан хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида бюджет қоидаларини жорий этиш мамлакатимиз каби ривожланаётган давлатлар учун бир мунча осонроқ ва самаралироқ бўлади. Лекин буғунги кунда бюджет қоидаларини жорий этиш бўйича тўпланган мавжуд тажрибалар жуда зиддиятли ҳисобланади. Яъни дунё олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, баъзи ҳолларда бюджет қоидаларининг қўлланилиши баъзи мамлакатларда кўзланган мақсадларга эришиш учун ёрдам берган бўлса, баъзи мамлакатларда улардан фойдаланиш етарлича самара бермаган. Шунингдек, бюджет қоидалари уларни қўллашда муваффақиятсизликка учраган мамлакатлардаги аниқ сабаб ва оқибатларни тушунтириб бермаган. Бир томондан, бу камчиликлар бюджет қоидаларини қўллаш тўғрисида мунтазам маълумотлар етишмаслиги билан изоҳланса, бошқа томондан бюджет қоидаларининг мукаммал эмаслигини исботлайди. Шу боисдан ҳам бюджет қоидаларидан фойдаланиш мобайнида доимо уларни такомиллаштириб бориш аниқ зарурят ҳисобланади. Шунинг учун бюджет қоидаларини амалиётга тадбиқ этиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш долзарб вазифага айланган.

Адабиётлар шарҳи.

Бюджет қоидаларининг жорий этилиши, бир томондан, масъулиятсиз фискал сиёсатини олиб бориш имкониятини чеклайди, иккинчи томондан, иқтисодий ўсишни тезлаштиришга йўналтирилган ностандарт қарорларни амалга оширишни қийинлаштиради. Яқуний натижа эса бир қатор ҳолатларга боғлиқдир. Лекин бюджет қоидаларини чуқурроқ ўрганиш, улар бўйича дунё мамлакатлари тажрибасини тадқиқ этиш мамлакатимизда бюджет қоидаларини амалиётга жорий этилиши ва унинг самарадорлигини янада оширишга ҳизмат қиласи (Кудрин ва Соколов, 2017). Шундай экан, аввало, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда бюджет қоидаларини ўрни ва аҳамияти ҳақидаги дунё иқтисодчи олимлари фикрини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Масалан, иқтисодчи олим Allen Schick бюджет қоидалари бюджет тузувчиларни сиёсий кайфият ёки иқтисодий шароитларнинг ўзгариши билан ўзгармайдиган қатъий чекловлар доирасида солиқ солиш ва сарфлашга мажбурлаш орқали бу тенденцияга қарши туришга қаратилган воситалар ҳисобланади деб таъкидлаган (Allen Schick, 2003).

Antonio Fatas, Ilian Mihov эса ўз илмий изланишларида бюджет қоидаларининг ўрнатилиши ёки бошқача қилиб айтганда, фискал сиёсатда қатъий бюджет чекловларини ўрнатилиши фискал сиёсатдаги ихтиёрийликни камайтириш орқали иқтисодий циклдаги ўзгарувчанликни камайтиради ва бу орқали макроиқтисодий барқарорликни таъминлаши мумкин деган ғояни илгари суришган (Antonio Fatas, Ilian Mihov, 2006).

Harald Badinger фикрига кўра, бюджет қоидаларини жорий этиш учун одатда иккита асосий аргумент илгари сурилади: фискал сиёсат барқарорлигини таъминлаш ва макроиқтисодий барқарорликни яхшилаш мақсадида нотўғри дискрецион фискал сиёсатни чеклаш. Бюджет қоидалари ҳукуматнинг қўлини боғлайдиган воситалар ҳисобланиб, фақатгина бюджет қоидаларини тўғри лойиҳалаш орқали макроиқтисодий барқарорликка эришиш мумкин (Harald Badinger, 2009).

МДҲ олимларидан бири Д.В.Скрыпник кенг маънода бюджет қоидалари тартибга солиш амалиёти мажмуи сифатида тушунилиб, унга мувофиқ бюджет тузилади, қабул қилинади ва амалга оширилади. Тор маънода эса бюджет қоидалари маълум фискал кўрсаткичлар (бюджет тақчиллиги, қарз даражаси, харажатлар ва даромадлар) бўйича расман ўрнатилган чекловлар ҳисобланади, агар ҳукумат юқори даражадаги самарадорлик билан бюджетни бошқарса, бюджет қоидаларининг жорий этилиши иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатади деб таъкидлаб ўтган (Скрыпник, 2016).

Шмиголь (2017) фикрига кўра, бюджет қоидалари бюджетнинг айrim параметрлари бўйича чекловлар тўплами ёки тегишли бюджет агрегатларининг белгиланган чегаралари сифатида аниқланади. Бюджет қоидалари доирасида бюджетнинг давлат қарзи, бюджет дефицити, бюджет даромадлари ва харажатлари миқдори параметрлари чекланади (Шмиголь, 2017).

Кристина Швандар, Всеғолов Черкасов, Татьяна Бурова каби олимлар эса бюджет қоидалари деганда маълум бир узоқ муддатли доирада давлат молиясини бошқариш бўйича қарорлар қабул қилишда ихтиёрийликни жорий қилувчи ягона норма ёки нормалар мажмуи тушунилиб, бюджет қоидаларининг асосий вазифаси сифатида жамғариш ва деаккумуляциянинг оптимал тамойилини ўрнатиш, "проциклифик - контриклифик" координаталарида оптимал нуқтани топишдир деб таъкидлашган (Швандар, Черкасов, Бурова, 2017).

Мамлакатимиз олимларидан бири Ҳакимов (2018) фикрига кўра, бюджет қоидалари – бу мавжуд молиявий кўрсаткичларга қонуний тартибдаги чекловларнинг ўрнатилиши ҳисобланади. Бюджет қоидаларини ўрнатишда, одатда, мамлакатлар асосан икки мақсадга эришишни ўзларига белгилаб олишади, булар ресурсларни тежаш ва уларнинг сарфланиш миқдорини режадаги миқдорга тенглаштиришдир (Ҳакимов, 2018).

Тадқиқот методологияси.

Дунё мамлакатларининг бюджет қоидаларидан фойдаланиш бўйича тўпланган тажрибалари, шунингдек, пандемия даврида унинг амалиётини қандай такомиллаштириш бўйича иқтисодий жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хulosा, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзууни ўрганиш жараёнида иқтисодий, қиёсий таҳлил, индуксия, дедуксия ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатлар ўзларининг фискал тизимларини мустаҳкамлаш, қарз барқарорликларини таъминлаш ва фискал сиёсатларини ишончлилигини оширишга ёрдам бериши учун фискал қоидаларни тобора кўпроқ жорий қилмоқдалар. Сўнгги 20


йил ичидә дунё бўйлаб тобора кўпроқ мамлакатлар фискал қоидаларга асосланган фискал тизимларни қабул қилдилар. ХВФнинг Фискал масалалар бўйича департаменти томонидан тузилган фискал қоидалар маълумотлар базаси шуни қўрсатадики, фискал қоидалардан дастлаб ривожланган мамлакатлар кенг фойдаланган бўлса, 1990 йиллар ўрталаридан бошлаб улардан фискал сиёсатнинг инструменти сифатида фойдаланадиган ривожланаётган мамлакатлар сони ҳам кескин ортган. Қоидалар сонининг кенгайиши бир қатор тўлқинларда содир бўлди, бу асосан миллатлараро қоидаларни киритиш ва катта ташқи шоклардан кейин қоидаларни қабул қилиш билан боғлиқ. Масалан, 1990 йиллар бошидаги фискал қоидаларини қабул қилиш бўйича юқори ўсиш суръати 1992 йилги Маастрихт шартномасининг имзоланиши билан боғлиқ бўлиб, унда Европа иқтисодий ва валюта иттифоқида иштирок этиш учун мамлакат қарзи ва бюджет тақчиллиги мезонлари белгилаб берилди. Натижада Европа Иттифоқига аъзо кўплаб мамлакатлар ушбу бюджет қоидаларини қабул қилдилар.

2000 йиллар бошидаги бюджет қоидаларининг қабул қилиниши бўйича юқори ўсиш суръати эса ривожланаётган мамлакатларда ва паст даромадли мамлакатларда миллий даражадаги фискал қоидаларнинг қабул қилиниши билан боғлиқ бўлди. Ривожланаётган мамлакатлардаги миллий қоидалар кўпинча инқироздан кейин (масалан, Колумбия, Бразилия) фискал тузатишларни амалга ошириш, ислоҳотлардан олинган даромадларни блокировка қилиш (масалан, Мексика, Полша) ёки табиий ресурслар нархларини ўзгарувчанлиги туфайли проциклик харажатлардан қочиш учун қабул қилинган эди (Чили, Россия, Мўғалистан) (Davoodi ва бошқа., 2022).

Шунингдек, 2012 йилда бир ёки бир нечта фискал қоидалар амал қилган жами 76 мамлакатдан 28 таси ривожланган давлатлар бўлса, уларнинг 48 таси ривожланаётган мамлакатларни ташкил этди. Асосан, ривожланаётган мамлакатлар фискал қоидаларни ўз минтақаларида ташкил этилган валюта иттифоқларига аъзо бўлиш ортидан ҳам қабул қилишган. Масалан, Шарқий Кариб валюта иттифоқи (ECCU), Фарбий Африка иқтисодий ва валюта иттифоқи (WAEMU) ҳамда Марказий Африка иқтисодий ва валюта ҳамжамиятининг (CEMAC) аъзолари мос равища 1998, 2000 ва 2002 йилларда фискал қоидаларни қабул қилдилар. Асосий мақсад валюта иттифоқи доирасида фискал сиёсатнинг конвергенциясига (convergence) ёки бир-бирига даража жиҳатидан яқинлашишига ёрдам бериш бўлган. Умуман олганда, шунга қадар валюта иттифоқига аъзо ривожланаётган мамлакатлар фискал қоидаларни қабул қилган ривожланаётган мамлакатларнинг ярмидан бироз камроқ қисмини ташкил қиласиди (Elva Bova, Nathalie Carcenac, and Martine Guerguil, 2014).


Коронавирус пандемияси эса фискал қоидаларга асосланган фискал тизимлар учун катта синов бўлди. Бу уй хўжаликлари ва фирмаларни давлат томонидан фавқулодда молиявий кўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш учун мослашувчанликни таъминлаб, фискал доирада фискал қоидалар бўйича чекловларни вақтинча тўхтатиб туриш учун қочиш бандлари бўйича қоидаларни кенг тарқалишига олиб келди. Қочиш қоидаларини қабул қилмаган бошқа давлатлар эса фискал қоидаларни вақтинчалик тўхтатиб туришга ёки ушбу қоидаларни ўзгартиришга ёки янги фискал қоидаларга мурожаат қилишга мажбур бўлишди (Davoodi ва бошқа., 2022). Пандемия даврида кўплаб мамлакатларда бюджет тақчиллиги ва қарз даражаси ошиди, бу фискал қоидалар чегараларидан катта оғишларга олиб келди. 2020 йилнинг ўзида бюджет дефицити мамлакатларнинг қарийб 90 фоизида, давлат қарзи эса мамлакатларнинг 50 фоиздан кўпроғида белгилangan норма чегарасидан ошиб кетди. Ўрганилган тажриба шуни қўрсатадики, давлат қарзи чегарасидан ошиб кетса, уни ўша чегара доирасига қайтариш мушкул вазифа хисобланади. Бундан ташқари, тақчиллик меъёридан четга чиқиши юқори молиялаштириш харажатлари билан боғлиқ бўлиб, бу иқтисодий ўсиш секинлашган давларда содир бўлади. Лекин шуни алохида таъқидлаш керакки, мамлакатларда фискал қоидаларга риоя қилиш бўйича тўпланган яхши

тажриба кейинчалик кутилмаган фавқулоддаги шокларга қандай жавоб бериш бүйича етарлича құрсатмалар бера олади.



1-расм. 1985-2021 йилларда дунё мамлакатларида фақатгина миллий даражада қабул қилинган фискал қоидалар динамикаси (алохидә турлари бүйича, сони)
(Davoodi and other, 2022)

2021 йил охирига келиб, 105 га яқын мамлакатлар камида битта фискал қоидани қабул қилди, бу 2015 йилга нисбатан 11 та давлатга ва 1985 йилга нисбатан 96 та давлатга қўп демақдир. 2021 йилга келиб фискал қоидаларни қабул қилган ривожланаётган давлатлар ривожланган давлатларга нисбатан 2 баробарга қўпроқни ташкил қилди. Шунингдек, 53 та давлатда миллий қоидалардан юқори бўлган миллатлараро фискал қоидалар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти миллий қоидалар билан тўлдирилади.



2-расм. 1985-2021 йилларда дунё мамлакатларида фақатгина миллатлараро даражада қабул қилинган фискал қоидалар динамикаси (алохидә турлари бүйича, сони)
(Davoodi and other, 2022)


Дунё мамлакатларида 1985 йилгача фақатгина миллий қоидаларни ўзидан фойдаланилган, 90-йилларга келиб эса турли иқтисодий иттифоқларнинг ташкил этилиши ортидан миллатлараро қоидалар ишлаб чиқилган ва қабул қилинишни бошланган. Масалан, 1985 йилда 2 та давлат харажат қоидаларидан, 1 та давлат даромад қоидаларидан, 6 та давлат бюджет баланси қоидаларидан ҳамда 1 та давлат қарз қоидаларидан фойдаланган. 2021 йилга келиб эса 26 та давлат харажат қоидаларидан, 9 та давлат даромад қоидаларидан, 45 та давлат бюджет баланси қоидаларидан ҳамда 32 та давлат қарз қоидаларидан фойдаланиши қайд этилган (1-расм).

Шунингдек, баъзи мамлакатлар фақатгина миллатлараро фискал қоидалардан фойдаланган. Масалан, 1992 йилгача миллатлараро фискал қоидалардан умуман фойдаланилмаган, лекин 1992 йилги Маастрихт шартномасининг имзоланиши билан Европа иқтисодий ва валюта иттифоқида иштирок этиш учун қарз ва тақчиллик мезонларини белгиланиб, умумий хисобда 10 та мамлакат миллатлараро бюджет баланси қоидаларини, 11 та мамлакат миллатлараро қарз қоидаларини қабул қилган. 2021 йилга келиб эса дунё мамлакатлари ичида 16 та мамлакат миллатлараро харажат қоидаларини, 8 та мамлакат миллатлараро даромад қоидаларини, 21 та мамлакат миллатлараро бюджет баланси қоидаларини, 35 та мамлакат эса миллатлараро қарз қоидаларини қабул қилган (2-расм).



3-расм. 1985-2021 йилларда дунё мамлакатларида ҳам миллий ҳам миллатлараро даражада қабул қилинган фискал қоидалар динамикаси (алоҳида турлари бўйича, сони) (Davoodi and other, 2022)

Шунингдек, баъзи мамлакатлар миллатлараро фискал қоидаларни миллий қоидалар билан тўлдирган ёки аксинча. Бу ҳолат ҳам 1992 йилги Маастрихт шартномасининг имзоланишини билан боғлиқ бўлиб, жами 2 та мамлакат ҳам миллий ҳам миллатларо бюджет баланси ва 1 та мамлакат қарз қоидаларидан фойдаланишни бошлашган. 2021 йилга келиб эса ҳам миллий ҳам миллатларо харажат қоидаларидан 13 та мамлакат, бюджет баланси қоидаларидан 27 та мамлакат, қарз қоидаларидан 18 та мамлакат кенг фойдаланилмоқда. Лекин ҳозирги кунда ҳам миллий ҳам миллатларо даромад қоидаларидан биргаликда хеч бир мамлакат фойдаланмайди (3-расм).




4-расм. Умумий ҳолатда 1985-2021 йилларда миллий ва миллэтлараро фискал қоидалардан фойдаланиш ҳолати (Davoodi and other, 2022)

Сўнгги 20 йил давомида ҳар бир мамлакат бўйича фискал қоидаларнинг ўртача сони ҳам бир неча барқарор ошди. Мамлакатларда 2000 йиллар бошида ўртача 2 та қоида бўлган бўлса, ҳозирда ўртача 3 тага яқин фискал қоидалар мавжуд (4-расм).

Умуман олганда, бир вақтнинг ўзида бир нечта қоидалардан фойдаланиш катта молиявий интизомни таъминлаш ёки бир нечта молиявий мақсадларга эришиш учун туртки бўлиши мумкин, аммо бир нечта қоидаларнинг мавжудлиги, шу жумладан, фискал қоидалар ва уларнинг қабул қилишдан кўзланган мақсадлар ўртасидаги зиддият фискал тизимнинг янада мураккаблашишига олиб келади ва уларга риоя қилишни тушунтириш ва назорат қилишни қийинлаштиради. Баъзи ҳолларда қоидаларнинг кўплиги янги қоидаларни жорий этишда мавжуд эски қоидалардан воз кечишдаги қилишдаги сиёсий қийинчиликлар билан боғлиқ бўлади.

Умуман олганда, бугунги кунда қарз қоидаси билан бирга энг кенг тарқалган қоидалар - бу харажатлар қоидаси ва бюджет баланси қоидаси ҳисобланади. Фискал қоидаларга эга бўлган мамлакатларнинг тахминан 70 фоизида йиллик бюджет агрегатлари бўйича оператив лимитлар билан биргаликда қарз қоидаси мавжуд. Хусусан, 2021 йилда фискал қоидаларга эга бўлган мамлакатларнинг учдан бирида қарз қоидаси билан бирга бюджет баланси ва харажат қоидаси мавжуд бўлса, бошқа чорак иқтисодиётларда бюджет баланси қоидаси билан биргаликда қарз қоидаси мавжуд. 2021 йилга келиб умумий ҳисобда 105 та мамлакатда 55 та харажат қоидалари, 17 та даромад қоидалари, 93 та бюджет баланси қоидалари ва 85 та қарз қоидалари мавжуд (5-расм).

Харажатлар бўйича қоидалар кенг тарқалган бўлиб, кўпинча йиллик харажатларнинг ўсиш суръати учун чегара сифатида белгиланади. Даромад қоидалари эса камроқ қўлланиладиган қоидалар тоифасига кириб, бу мамлакатлар ичida жуда кам ҳукуматлар даромад устидан назорат ўрнатишини билдиради.



5-расм. 1985-2021 йилларда дунё мамлакатлари томонидан қабул қилинган фискал қоидаларнинг турлари бўйича динамикаси, сони (Davoodi and other, 2022)

Даромад қоидалари илғор мамлакатлarda, масалан, Белгияда солиқларнинг кейинги ўсишига йўл қўймаслик учун кўпинча бюджет даромадини ЯИМга нисбатан юқори чегараси сифатида ўрнатилади, лекин паст даромадли мамлакатлarda, масалан, WAEMU мамлакатларида эса улар йиллик бюджет даромадлари ўсишини рағбатлантириш учун ЯИМга нисбатан бюджет даромадининг пастки чегараси сифатида белгиланади.

Мамлакатлар ўртасида бюджет қоидаларидан фойдаланишда даромад даражалари бўйича ҳам тафовутлар мавжуд. Масалан, харажат қоидалари асосан ривожланган давлатларда кенг тарқалган бўлиб, уларнинг қарзий тўртдан уч қисми ёки 75 фоизи харажат қоидаларига эга, бу эса қисман Европанинг бир қанча давлатлари, масалан, Австрия, Хорватия, Греция, Италия, Испания ўзларининг миллий фискал тизимини бир қисми сифатида харажатлар қоидаларини қабул қилганликларини акс эттиради. Бироқ ривожланаётган мамлакатларнинг атиги учдан бир қисмидан камроғи, масалан, Бразилия, Мўғалистан, Парагвай каби мамлакатлар харажат қоидаларини қабул қилган. Қарз қоидалари ривожланаётган мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, уларнинг 80 фоизидан ортиғи ушбу қоидаларни қабул қилган. Аксарият мамлакатларда ЯИМнинг фоизида ифодаланган қарз қоидаси мавжуд ва баъзида қарз қоидаси паст даромадли мамлакатлар учун соғ жорий қийматда ўрнатилади, чунки улар имтиёзли молиялаштиришнинг муҳим қисмини олади. Чили, Колумбия каби ривожланаётган мамлакатларга қараганда Чехия, Эстония каби ривожланаётган мамлакатларда бизнес даврларини ҳисобга оладиган бюджет баланси қоидалари устунлик қиласди (Davoodi and other, 2022).

Бюджет қоидалари, аввало, фискал барқарорликни таъминлашга қаратилган. Бу орқали у макроиктисодий барқарорликка таъсир кўрсатади. Шундай экан бюджет қоидаларининг қатъийлиги уруш, молиявий-иктисодий инқизорлар, пандемия каби фавқулодда ҳолатларда иқтисодиётни кенгроқ қўллаб-қувватлаш учун имкон бермайди. Шунинг учун бундай ҳолатларда дунё мамлакатларининг тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, коронавирус пандемияси нафақат соғлиқни сақлаш тизимига, балки мамлакатларнинг иқтисодий тизимиغا ҳам катта зарар етказди. Ривожланиш даражалари ўртасида тафовут бўлган мамлакатларда эса зарур молиявий ёрдамларни кўрсатиш учун бюджет қоидаларини четлаб ўтиш

зарурияти туғилди. Мамлакатлар соғлиқни сақлаш инқирозига жавобан ўзларининг фискал қоидаларини мослаштиришни турли усулларидан фойдаландилар:

- қочиш қоидаларини фаоллаштириш;
- фискал қоидаларни вақтинча тұхтатиб туриш;
- фискал қоидалар чегараларини ўзгартыриш.

Шунинг учун ушбу мамлакатларни таҳлил қилиш пандемия даврида уларнинг фискал қоидаларида мослашувчанликдан турли хил фойдаланишни күрсатди (H.R.Davoodi ва бошқа., 2022).

– **Қочиш бандларини фаоллаштириш.** Арманистан, Грузия, Буюк Британия каби 30 дан ортиқ мамлакатлар соғлиқни сақлаш инқирозига нисбатан мослашувчанликни ошириш мақсадида миллатлараро ва миллий фискал қоидалар бўйича қочиш бандларидан фойдаланганлар (Gbohoui and Medas, 2020). Хусусан, 2020 йил пандемия даврида Ямайка ҳукумати фискал қўллаб-қувватлаш чораларини кучайтириш мақсадида фискал қоидалар бўйича қочиш бандини бир йилга фаоллаштириди ва қарз бўйича мақсад кўрсаткичига эришишни яна 2 йилга - 2027-2028-молия йилигача кечиктирди. Бир қатор мамлакатлар эса инфекциянинг янгиланган тўлқинлари ва ноаниқлик шароитида қочиш бандларини фаоллашув даврини узайтириди. Кот-Дъивуар, Сенегал ҳамда Франция, Италия, Португалия каби валюта иттифоқига кирувчи баъзи мамлакатларда миллатлараро бюджет қоидалари бўйича қочиш бандларини фаоллаштириш миллий фискал қоидалардаги тегишли бандларни автоматик равишда фаоллаштириди.

– **Фискал қоидаларни вақтингчалик тұхтатиб туриш.** Пандемия даврида кўплаб давлатлар, жумладан, Озарбайжон, Колумбия, Исландия, Индонезия, Перу, Россия каби мамлакатлар бюджет қоидаларни вақтингчалик тұхтатиб қўйишни маъқул кўрдилар. Мисол учун, Колумбия юқори дефицитларга йўл очиш учун қоидаларни 2 йилга тұхтатди. Индонезияда фискал қоидалар Конституцияга киритилган қоидаларга мувофиқ тұхтатилди. Россия ҳукумати пандемия бошланганда нефт нархи ва ишлаб чиқариш даражаси кескин тушиб кетганини инобатга олган ҳолда парламентдан 2020-2021 йиллар учун нефт нархига асосланган бюджет қоидасини вақтингчалик тұхтатиб туришни сўради.

– **Фискал қоида чегаралари ўзгартыриш.** Яна бир кенг тарқалган ёндашув пандемия даврида ривожланаётган мамлакатларда, жумладан, Чили, Эквадор, Малайзия, Мексика, Мўғулистан, Намибия, Панама, Въетнам каби мамлакатларда фискал қоидалар чегараларини ўзгартыриш бўлди. Пандемия даврида 20 га яқин давлатлар миллий қоидалар бўйича чегараларини ўзгартыриди. Мисол учун, 2020 йилда Эквадор бюджет қоидаларини қайта кўриб чиқди ва харажатларни ошириш қоидасини жорий қилди ва янги йиллик бюджет баланси мақсадларини белгилади. Қарз қоидаси эса 2032 йилга келиб ЯИМга нисбатан 40 фоиздан кўп бўлмаган давлат сектори қарзининг узоқ муддатли чегарасини белгилаш учун оралиқ ўтиш мақсадлари билан қайта кўриб чиқилди. 2020 йил охирига келиб Панама бюджет дефицитининг мақсадли кўрсаткичини (ЯИМ чегарасидан 2 фоиздан юқори) ошириш ва 2025 йилдан бошлаб бюджет тақчиллигини ЯИМнинг 1,5 фоизи даражасида сақлаш учун “Ижтимоий фискал жавобгарлик тўғриси”даги қонунини қайта кўриб чиқди.

Бир неча мамлакатлар пандемия даврида бюджет қоидаларига мослашувчанликни таъминлашнинг юқоридаги усулларини бирлаштирилар (1-жадвал). Бунга сабаб баъзи мамлакатларда фискал қоидалари таркибида қочиш қоидалари жуда чекланган даражада мавжуд бўлиб, пандемия пайтида уларнинг ўзи етарли даражада ёрдам бера олмади. Шунинг учун мослашувчанликнинг бошқа усулларини ҳам қўллай бошлашди. Масалан:

– Перудаги соғлиқни сақлаш инқирозининг жиддийлиги қонун бўйича рухсат этилган қочиш бандларидан кўра қўпроқ мослашувчанлик заруриятини келтириб

чиқарди, натижада ҳукумат фискал қоидаларни тұхтатиб туришни ҳам фаоллаштируди. Парагвай эса дастлаб қочиш бандларини фаоллаштируди ва охир-оқибат фискал қоидаларни вақтінча тұхтатди. Ҳиндистон дастлаб 2019-2020-молия йилида пандемиядан олдин қочиш бандини фаоллаштируди, бу қисман корпоратив даромад солиғининг камайиши ва инвестицияларни күпайтириш әхтиёларидан келиб чиқсан юқори дефицитларни юзага келтирди. Пандемиядан сезиларли даражада иқтисодий таназзулга учраган ҳукумат фискал ёрдам күрсатиши учун фискал қоиданы тұхтатди.

1-жадвал

Дунёning турли мамлакатларида COVID-19 пандемияси давридаги фискал қоидаларнинг қўлланиши (Davoodi and other, 2022)

Мамлакат-лар	Фискал қоидаларнинг қўлланиши
Бразилия	Бразилия 2020 йилни "жамоат фалокати" йили деб эълон қилди, бу бирламчи фискал тақчиллик ва фискал жавобгарлик тұғрисидаги қонун ҳужжатларининг бошқа талабларига жавоб бермасликка имкон берди. Шунингдек, у ўз конституциясига мунтазам давлат бюджетидан "уруш бюджети"га (COVID-19 билан боғлиқ чора-тадбирлар учун ЯИМнинг 8,4 фоизини қўшимча енгиллаштириш - фавқулодда ҳолатлар учун бюджетга) ўзгартирди ва ҳукуматни жорий харажатларни қарз олиш ва молиялаштиришни тақиқлашдан озод қилди.
Колумбия	2021 йил сентябр ойида мамлакатда ижтимоий инвестициялар санксияланган эди, бу эса ўрта муддатда қарз черагасини жорий этиш ва таркибий соф бирламчи бюджет баланси чегарасини қайта кўриб чиқишиңи тақозо қилди. Ушбу чегара эса қарз даражасига қараб ўзгаради. Ҳукумат 2022-2025 йиллар давомида дефицитдан чиқиши йўлини белгилади, шу билан бирга, фискал кенгашга (Автоном Фискал Қоидалар Қўмитаси - Autonomous Fiscal Rule Committee) фискал қоидалар устидан назоратни таъминлаш учун кўпроқ операцион мустақиллик берди.
Ҳиндистон	Ҳиндистон 2020 йил феврал ойида пандемиядан олдин бюджет дефицитини 3-йилига ЯИМга нисбатан 0,5 фоиздан кўп бўлмаган вақтінчалик ошишига имкон берувчи қочиш бандини фаоллаштируди. Бу эса 2019-2020 ва 2020-2021 молиявий йилларидаги бюджет дефицитини мос равишида ЯИМга нисбатан 3,8 ва 3,5 фоизгача ошишига олиб келди. Пандемия сабабли сезиларли иқтисодий пасайишга дуч келганлиги учун ҳукумат иқтиодиётни фискал қўллаб-қувватлаш учун 2020-2021 йиллар давомида фискал қоиданы тұхтатди.
Полша	Полшада фавқулодда вазиятлар, уруш ва табиий оғат ҳолатларида юқори харажатларни чеклаш имконини берувчи бюджет қоидалари бўйича қочиш банди мавжуд. 2020 йилда ушбу бандга эпидемия банди ҳам қўшилди, лекин ушбу банд прогноз қилинаётган реал иқтисодий ўсиш ўтган 6 йилликда тарихий ўртacha кўрсаткичдан 2 фоизга пасайганда фаоллаштириладиган бўлди. Бу эса бюджет дефицитни пандемия даврида ЯИМга нисбатан 8 фоизгача ошириш имкониятини берди.
Буюк Британия	Ҳукумат бюджет қоидалари бўйича бюджет қоидалари бўйича қочиш бандини 2020 йил март ойида фаоллаштируди. Бюджет масъулияти идорасига қонунда белгиланган мақсадлар бўйича фискал натижаларни баҳолаш вазифаси юклатилди. 2021 йил октябрь ойида ҳукумат пандемиядан кейинги фискал асоснинг бир қисми сифатида фискал қоидаларни тиклади. Ушбу қоидалар ҳукуматдан прогноз даврининг 3-йилига қадар мувозанатли бюджетни таъминлашни, давлат соф инвестицияларининг ЯИМга нисбатан ўртacha 3 фоиздан юқори бўлишини, 5 йиллик прогноз даврининг 3-йилига келиб давлат секторининг соф қарзини камайтиришни (Англия Банкидан ташқари), ижтимоий таъминот харажатлари ва давлат сектори балансига эътибор қаратган ҳолда инновация харажатлари бўйича максимал миқдор белгилашни талаб қилади.

– Полша қонунчилигига киритилган фискал қоидалардан қочиш тұғрисидаги бандда уруш ва миллий оғат ҳақида айтиб үтилган бўлиб, пандемия тұғрисида хеч нарса дейилмаган эди. Натижада қўшимча бюджет харажатларига йўл қўйиш учун харажатлар қоидаси тўхтатилди. Харажатлар қоидаларига ўзгартиришлар 2-4 йил ичида мунтазам бюджет харажатлари даражасига қайтиш белгилаб қўйилди. Шунингдек, мамлакатда 2020 йилда ўсиш қисқарганида автоматик фаоллаштиришга рухсат бериш учун янги миллий қоидалар бўйича қочиш бандларини (*new national escape clauses*) киритилди.

Баъзи мамлакатларда янги фискал қоидалар жорий этилди. Масалан, Уругвай 2020 йилда янги харажат қоидасини ва бюджет баланси қоидасини жорий қилди ва фискал қоидалар бажарилишини назорат қилиш мақсадида фискал кенгаш тузди. Коста-Рика эса жорий харажатлар бўйича харажатлар қоидасини жорий қилди.

Бир қанча мамлакатлар фискал қоидаларни тиклашга ўтишнинг бир қисми сифатида қоидалар бўйича чегараларни қайта кўриб чиқиши бошлиши. Колумбиядаги "Ижтимоий инвестициялар тұғрисида"ги қонун 2021 йил сентябр ойида санкцияланган бўлиб, мамлакат фискал қоидалар асосини қайта кўриб чиқди. Шу билан бирга, ҳукумат 2022-2025 йилларда тизимли соф бирламчи тақчилликка ўтиш йўлини босқичма-босқич фискал қоидалар чегараларига қайтариш учун ўрнатди. Уганда 2021-2026-молиявий йилларни қамраб олувчи янги фискал жавобгарлик низомини жорий қилди, у нефт қазиб олиш бошланганда фискал сиёсатни бошқариш учун фискал қоидаларни ўз ичига қамраб олади. Буюк Британия қариш, иқлим ва тенгсизлик бўйича харажатлар эҳтиёжларини қондириш билан бирга қарзни барқарорлаштиришга қаратилган янги ўрта муддатли молиявий стратегияни эълон қилди.

Баъзи мамлакатларда янги фискал қоида чегараси белгиланган муддат ичида олдинги фискал қоида чегарасига қайтиши керак бўлади. Мисол учун, Грузия ва Панама бир неча йил ичида тўпланган дефицит миқдорини қоплаш заруратисиз олдинги қоидаларга қайтишни талаб қилди. Швейцарияда фавқулодда чора-тадбирлар натижасида келиб чиқадиган камомадлар шартли ҳисобда тўпланди ва келгуси 6 йил ичида тузилмавий профицит билан қопланиши керак бўлади. Германияда шунга ўхшаш спецификация мавжуд бўлиб, у "ўртача вақт оралиғида" тузатишларни назарда тутади.

Пандемия даврида миллатлараро қоидалар ҳам синовдан ўтказилди. Шуни алохида таъкидлаш керакки, миллий қоидаларга нисбатан иттифоқга аъзо мамлакатлар ўртасидаги келишмовчиликлар қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Мисол учун, Европа Иттифоқи пандемияга жавоб беришда кенг мослашувчанликни таъминлаш учун фискал қоидалар бўйича қочиш бандини 2022 йил охиригача фаоллаштируди (2-жадвал).

WAEMU иқтисодий иттифоқи эса ўзига аъзо давлат раҳбарларининг 2020 йил апрелдаги Декларациясидан сўнг конвергенция пактини тўхтатди. У минтақавий кузатув тизимини кўриб чиқди ва аъзо давлатларни инқироздан кейин фискал консолидацияни қайта бошлишга унади. 2021 йил июн ойида WAEMU иқтисодий иттифоқи таркибига кирувчи мамлакат раҳбарлари 2024-2026 йиллар давомида фискал тақчиллик чегарасига яқинлашиш мажбуриятини олдилар. ECCU иқтисодий иттифоқи ЯИМга нисбатан 60 фоиз ёки ундан кам бўлган қарз мақсадига эришиш учун зарур бўлган муддатни яна 5 йилга - 2035 йилгача узайтируди (аввалгиси 2030 йилгача эди).

Фискал қоидаларни тиклаш учун аъзо давлатлар ўртасида пандемия даврида янада яққолроқ намоён бўлган узоқ йиллик тафовутни ҳисобга олиш керак эди. Европа Иттифоқидаги жорий тизим ҳар йили мавжуд қарз даражаси ва белгилаб қўйилган қарз чегараси ўртасидаги фарқнинг ўртача 5 фоиз қисмига тузатишни талаб қиласиди. Бундай суръат юқори қарздор давлатлар учун қийин бўлиши мумкин. ECCU иқтисодий иттифоқи доирасида 2020 йилда Доминикадаги қарз даражаси ЯИМга нисбатан 100 фоиздан ошди, бу эса ўрта муддатли истиқболда миллатлараро қарз мақсадига эришишни қийинлаштируди (2-жадвал).

COVID-19 давридаги миллий қоидалар бўйича тажриба
(Davoodi and other, 2022)

Иттифоқлар	Амалга оширилган чора-тадбирлар
Европа Иттифоқи (ЕИ)	ЕИ 2020 йил март ойида биринчи марта умумий бюджет қоидалари бўйича қочиш бандини фаоллаштируди, чунки Европа Комиссияси евро худудида ёки умуман Иттифоқда жиддий иқтисодий таназзулга сабаб бўлган Барқарорлик ва ўсиш пактида (SGP) шартлар бажарилган деган хуносага келди. Ушбу банд Иттифоққа аъзо давлатларга ўрта муддатли истиқболда фискал барқарорликка хавф туғдирмаса, одатдаги бюджет талабларидан вақтингча воз кечиш имконини берди. Фискал қоидалар бўйича қочиш банди 2022 йил охиригача узайтирилди.
Шарқий Кариб Валюта Иттифоқи (ECCU)	Шарқий Кариб денгизи валюта иттифоқи (ECCU) иттифоқ миқёсида қочиш бандига эга эмас, 2021 йил феврал ойида пандемиядан кейинги даврда молиявий саъй-ҳаракатларни кўллаб-қувватлаш мақсадида давлат қарзининг ЯИМга нисбатан 60 фоизлик мақсадли чегарасига қайтишнинг муддати 5 йилга - 2035 йилгача узайтиришга қарор қилинди. Туризм соҳасигагина суюнган мамлакатлар юқори даражада иқтисодий пасайишга дуч келдилар. Натижада, давлат қарзи 2020 йилда ЯИМга нисбатан 84 фоизни ва 2021 йилда қарийб 90 фоизни ташкил қилди.
Марказий Африка иқтисодий ва валюта жамияти (CEMAC)	СЕМАС Ҳамжамияти қочиш банди йўқлигини ҳисобга олиб, фискал қоидаларни тўхтатди. 2020 йилда 5 та давлат кўрсаткичлари тақчиллик чегарасидан (ЯИМга нисбатан 1,5 фоиз) ва иккита давлат кўрсаткичлари эса қарз бўйича мақсадли чегарадан (ЯИМга нисбатан 70 фоиз) ошиб кетди. Вақтингчалик тўхтатилганига қарамай, аъзо мамлакатлар 2023 йилгача бюджет қоидаси чегарасига қайтиши кутилмоқда.
Фарбий Африка Иқтисодий ва Валюта Иттифоқи (WAEMU)	2020 йил апрел ойида Фарбий Африка Иқтисодий ва Валюта Иттифоқига (WAEMU) аъзо бўлган саккизта давлат раҳбарлари ўзларининг фискал қоидаларини вақтингча юмшатдилар (шу жумладан, ЯИМга нисбатан 3 фоизлик камомад чегараси ва ЯИМга нисбатан 70 фоиз миқдоридаги қарз). 2021 йил июн ойида барча WAEMU мамлакатлари 2024-2026 йиллар давомида бюджет тақчиллик чегарасига қайтиш мажбуриятини олган бўлсаларда, бюджет қоидалари ва уларнинг чегараларига қайтиш бўйича қоидаларнинг бошқа мезонларини тиклаш учун вақт оралифи белгиланмаган. WAEMU мамлакатлари пандемия даврида уч карра инқирозга (иқтисодий, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик) ва ташки захиралар босимига дуч келди, минтақавий бюджет тақчиллиги 2020 йилда ЯИМга нисбатан 6 фоизга яқинлашди.

Ўзбекистон Республикасида эса бюджет қоидаларининг амалиётга жорий этилиши 2020-2021 йилларга тўғри келади. Бюджет қоидаларининг жорий этилиши ўсиб бораётган давлат қарзини камайтириш, бюджет дефицитининг олдини олиш, бюджет мувозанатини таъминлаш мақсадлари билан боғлиқdir. Хусусан, ҳозирги кунда мамлакатимизда қарз қоидалари ва бюджет баланси қоидаларидан амалиётда фойдаланилмоқда. Уларнинг чегаравий миқдори эса Бюджет кодекси билан эмас, ҳар йили алохидга қабул қилинадиган "Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонун билан белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрда қабул қилинган (Қонун, 2020) "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунининг 10-моддасида Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида олинадиган давлат қарзининг чегаравий миқдори ЯИМнинг йиллик прогноз кўрсаткичига нисбатан 60 фоиздан ошмаслиги зарур этиб белгиланган (Қонун, 2020). Шунингдек, мазкур қонуннинг 11-моддасида 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети

тақчиллигининг чекланган ҳажми ЯИМга нисбатан 5,5 фоиз миқдорида бўлиши айтиб ўтилган. 2023 йилда эса давлат қарзи бўйича қоида ўзгартирилмаган бўлиб, фақатгина консолидациялашган бюджети тақчиллиги киритилган бюджет қоидаси 3 фоизгача пасайтирилди. Лекин Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “«Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармонида 2024 йилдаги бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан 4 фоиз ва келгуси йилларда эса 3,0 фоиздан ошмаслиги ҳамда давлат қарзи бўйича чегаравий қиймат 50 фоиздан ошмаслиги белгилаб қўйилди (Фармон, 2023). Умуман олганда, ҳар йили қабул қилинадиган “Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикасининг “Давлат қарзи тўғрисида”ги қонунлари бюджет қоидаларининг ўрнатилиши ва уларни тартибга солишда муҳим рол ўйнайди.

Хуроса ва таклифлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дунё амалиётида бюджет қоидалари фақат ҳукуматлар учун кўрсатма бўлиб хизмат қиласи ва у иқтисодий вазиятга қараб ўзгартириб турилади. Замонавий дунёда амал қиладиган бюджет қоидаларни ишлаб чиқиши ва улардан фойдаланиш жуда мураккаб, иқтисодий субъектларнинг кенг доираси учун унчалик тушунарли эмас ва ушбу қоидаларни бевосита амалга оширишда давлат ходимлари ва институционал тузилмалар ходимларидан юқори профессионалликни талаб қиласи.

Мамлакатимизда бугунги кунга қадар бюджет қоидаларининг қолган икки тури: даромад қоидалари ва харажат қоидалари амалиётда қўлланилмайди. Шунингдек, ҳозирги кунда бюджет қоидаларини тартибга солувчи ҳамда назорат қилиб борадиган, дунё мамлакатлари амалиётида кенг қабул қилинаётган Фискал кенгашлар фаолияти йўлга қўйилмаган. Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда дунё амалиётидан келиб чиққан ҳолда хуроса қилсан, давлат харажатлари бўйича бюджет қоидасини жорий қилиш даркор. Шунингдек, давлат қарзини давлат бюджети даромади сифатида қабул қилиб, уни ҳукумат харажат қилганда “Олтин қоида” риоя қилиш керак. Бу тажриба Буюк Британияда мавжуд бўлиб, унда ҳар бир бирлик жалб қилинган давлат қарзи фақат фойда олиб келувчи маблағ сифатида инвестицион фаолиятларга йўналтирилиши керак.

Шунингдек, фикримизча, бюджет қоидаларини иқтисодий ривожланиш мақсадларига мослашувчанлигини таъминлаш, хусусан, иқтисодий ўсиш, инфляция ва ишсизлик каби макроиктисодий кўрсаткичларга салбий таъсирини камайтириш ҳамда уларни доимий назорат қилиш орқали самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун, фискал қоидалар устидан самарали назоратни таъминлаш ҳамда ундан фойдаланиш ҳолатини амалий таҳлилини олиб бориш учун Фискал кенгаш жорий этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Адабиётлар / Литература/ Reference:

Allen Schick, (2003) "The Role of Fiscal Rules in Budgeting". OECD Journal On Budgeting – Volume 3 – No. 3 – ISSN 1608-7143 – © OECD.

Antonio Fatas, Ilian Mihov, (2006) "The macroeconomic effects of fiscal rules in the US states". Journal of Public Economics 90 101 – 117.

Davoodi H.R., Elger P., Fotiou A., D.Garcia-Macia, X.Han, A.Lagerborg, W.R.Lam, and P.Medas. (2022). "Fiscal Rules and Fiscal Councils: Recent Trends and Performance during the Pandemic", IMF Working Paper No.22/11, International Monetary Fund, Washington, D.C.

Davoodi H.R., P. Elger, A. Fotiou, D. Garcia-Macia, A. Lagerborg, W.R. Lam, and P. Medas. (2022) IMF Fiscal Rules Dataset: 1985-2021;

Elva Bova, Nathalie Carcenac, and Martine Guerguil. (2014). "Fiscal Rules and the Procyclicality of Fiscal Policy in the Developing World". IMF Working Paper / International Monetary Fund. July,

Gbohoui, W, and P. Medas. (2020). "Fiscal Rules, Escape Clauses, and Large Shocks." Special Series on Fiscal Policies to Respond to COVID-19.

Harald Badinger, (2009) "Fiscal Rules, Discretionary Fiscal Policy and Macroeconomic Stability: An Empirical Assessment for OECD Countries". Applied Economics, 41(7), p. 829-847.

Кудрин А., Соколов И. (2017) "Бюджетные правила как инструмент сбалансированной бюджетной политики", Вопросы экономики. № 11. С. 5-32.

Қонун (2020) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрда қабул қилинган "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни.

Скрыпник Д.В. (2016), "Бюджетные правила, эффективность правительства и экономический рост". Москва. Журнал Новой экономической ассоциации, №2 (30), с.12-32).

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "«Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158-сонли Фармони.

Ҳакимов Ҳ.А. (2018) "Бюджет қоидалари ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги", "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда халқаро стандартларни жорий этиш: муаммо ва ечимлар" мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалари ва маъruzza тезислари тўплами. 2018 йил 18 декабрь. - Т.: Иқтисодиёт, - 510 бет.

Швандар К.В., Черкасов В.Ю., Бурова Т.Ф., (2017) "Голландская болезнь": применение бюджетного правила и роль структурных реформ"// Финансовый журнал, №5.

Шмиголь Н.С. (2017) "Бюджетные правила как инструмент достижения финансовой стабильности и экономического роста". Журнал "Экономика и управление" №-1, Стр. 66-74. УДК 336.14(045).